

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қўриқига Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича
ёқун-ўслубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2021 йил 25-08-даги 4-сонли йўналишлари маълум қилган.
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил 25-08-даги 447-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Маълум қилинади: "Олий таълим даражаси таълим стандарти
Ассессинг қўлланма", "Олий таълим йўналишлари ва мухтасарликларини
ассессинг қўлланма", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака раёсатини
мувофиқ қилиб шикоят ва расмий маъриф-ўслубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий ҳо-
лдан ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигига тақдим қилинган.

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 369 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви)таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви)таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	9
	Библиографик маълумотлар.....	10
	Келишув варағи	11

1. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби **60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, транспорт соҳасидаги корхоналарда лойиҳалар бошқарувини ташкил этиш, лойиҳалар бошқарувнинг вазифалари, тамойиллари ва ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, инвестицион ва инновацион лойиҳалар бошқарув ва ташкилий тизими хусусиятларини, транспорт компаниялари фаолиятини самарали ташкил қилишда лойиҳалар бошқарувининг роли ва самарадорлигини баҳолаш, профессионал лойиҳа бошқаруви (бошқарув компаниялари), консалтинг ва аудитга ихтисослашган ташкилотлар; кўчмас мулкни ривожлантириш билан шуғулланадиган инвестиция ва қурилиш компаниялари ва ташкилотлари, эксперт-таҳлил бўлимлари, лойиҳаларни бошқариш хизматлари, шунингдек, давлат ва шаҳар ҳокимияти органлари танловларини ўтказиш, кичик бизнесни яратиш ва ривожлантириш бўйича тадбиркорлик фаолияти бўлимлари билан муносабатларидаги муаммоларини комплекс ечиш масалаларини камраб олади.

1.2.2. 60411200 Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар),

ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси лойиҳа бошқаруви Миллий агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги;
- транспорт соҳасидаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, холдинг компаниялари, хўжалик бирлашмалари, ассоциациялар, концернлар, уюшмалар;
- қўшма корхоналар, хорижий корхоналар, суғурта ва лизинг компаниялари;
- нодавлат ва нотижорат ташкилотлари;
- транспорт соҳасидаги хусусий корхоналар ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни.

60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви)) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият

1.2.4. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Молиявий-иқтисодий фаолиятида:

- лойиҳалар бошқаруви бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ва улардан амалиётда фойдалана олиш;
- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- транспорт соҳасида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ушбу жараённи бошқара олиш;
- транспорт соҳаси, тармоқ ва корхоналар инновацион лойиҳаларига ташкилий ва молиявий жиҳатдан комплекс ва тизимли асосда объектив баҳо бера олиш;
- корпорация, холдинг, трест, уюшма, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, давлат ва тижорат банклари, хусусий корхоналар ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлар фаолиятида амалга ошириладиган инвестицион ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- корпорация, холдинг, трест, уюшма, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, давлат ва тижорат банклари, хусусий корхоналар ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларининг инвестициялаш ва молиялаштиришнинг турли вариантларида инвестицион лойиҳаларни баҳолаш;

- молиявий ва инвестицион қарорларни компания қийматини ошишига таъсирини таҳлил қилиш;
- активлар қийматини баҳолаш, транспорт корхоналари айланма маблағларини бошқариш;
- молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш асосида инвестицион, кредит ва молиявий қарорлар қабул қилиш;
- қабул қилинадиган молиявий ва инвестицион қарорларнинг таваккалчилиги ва даромадлилигини башорат қила олиш;
- ташкилотни ривожлантириш учун молиявий прогнозни тайёрлаш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ҳисоб, таҳлил ва назоратни амалга оширишга тегишли фаолиятида:

- лойиҳалар бошқаруви соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усуллари билиш;
- иқтисодий ва молиявий маълумотларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш;
- корпорация, холдинг, трест, уюшма, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, давлат ва тижорат банклари, хусусий корхоналар ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлар фаолиятини мулкчилик шаклидан қатъий назар инвестицион ва инновацион лойиҳалар бошқаруви фаолияти натижаларини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- молиявий ва мулкчилик кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- лойиҳа бошқаруви жараёнидаги молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- аниқ иқтисодий лойиҳани бажариш учун ташкил этилган жамоа ва гуруҳларни бошқариш;
- транспорт тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларни хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқариш;
- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш;
- моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар нормативларини ишлаб чиқариш;
- транспорт тизимидаги хўжалик юритувчи субъект фаолиятини иқтисодий таҳлил ҳамда ҳисоб-китоб қилиш;
- меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновацион лойиҳаларни бошқаришда уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориш услублари ва воситаларидан фойдаланиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш;
- тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш;
- транспорт тизимида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибани ўрганиш ва ундан амалиётда фойдала олиш;
- ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий, ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш.
- транспорт соҳасидаги корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини

ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- транспорт соҳасидаги корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- транспорт соҳасидаги корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;

- транспорт соҳасидаги корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларида иқтисодий ва молиявий фаолиятни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш

- касбий этика қоидаларига риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- транспорт тизимидаги корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;

- транспорт тизимидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш;

- транспорт тизимидаги корхоналарда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- транспорт тизимидаги корхоналарда инновацион лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- транспорт тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;

- бажарилаётган амалий инновацион лойиҳалар мавзуси бўйича математик, информაციон ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- транспорт тизимидаги корхоналарни иқтисодий ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

- мутахассислик фаолияти соҳасидаги лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни тайёрлаш;

- транспорт тизимидаги корхоналарни бизнес- режасини ишлаб чиқиш;

- транспорт тизимидаги корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;

- транспорт тизимидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ракобат стратегияларини ишлаб чиқиш;

- мутахассислик фаолияти соҳасидаги лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни тайёрлаш;

- корхонанинг имиджини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштириш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш;

- транспорт соҳасини ривожлантириш доирасида соҳага доир илмий адабиётлар,

илмий нашрлар ва Интернет тармоғидаги энг янги илмий-амалий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни самарали усуллар асосида тўплаш, тизимли таҳлил қилиш ва фойдаланиш;

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб инновацион фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- мутахассислик доирасидаги инновация (инвестиция) жараёнларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- самарасиз вақт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда мутахассислик доирасида қатнашиш;

- соҳага доир махсус адабиётлар, илмий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- таҳлил, ҳисоботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-амалий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- бажарилаётган инновация (инвестиция) лойиҳаларини эконометрик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

Педагогик фаолиятида:

- ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ва техникумларда мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш услубиятини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириш.

2. 60411200-Менежмент (транспорт соҳасида лойиҳалар бошқаруви)

таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- илғор халқаро тажрибалар асосида замонавий лойиҳа бошқаруви услубларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва бошқарув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- соҳада халқаро иқтисодий муносабатларни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- лойиҳа бошқаруви амалиётида режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- лойиҳа бошқаруви амалиётида корхона маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш тажрибаларига эга бўлиш;

- асосий капиталга киритилган инвестициялар самарасини баҳолаш ва корпоратив муносабатларини тартибга солиш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;

- транспорт корхоналарида лойиҳа бошқарув жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- транспорт тизимида лойиҳа бошқаруви жараёнида корхона ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишни билиш;

- транспорт корхоналарида лойиҳаларни бошқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- транспорт тизимида лойиҳа бошқаруви соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамізда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, лойиха бошқаруви, бошқарув жараёни, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



20__ йил «__» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202__ йил «__» _____
М.Ў.




Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__» _____
М.Ў.




“Uzbekistan airways” AJ

Бошқарув раиси биринчи
ўринбосари в.б.  А.Сафиулин

202__ йил «__» _____
М.Ў.



Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Ректор  К.Шарипов



202__ йил «__» _____


“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма
бошлиғи  А.Хамролиев

202__ йил «__» _____
М.Ў.



“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ

Бошқарув раиси  А.Джураев

202__ йил «__» _____
М.Ў.

